

## 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”

### ДЕБ ЭЪПОН ҚИЛИНДИ

Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бундан минг йил ол-

дин, “Довюрак ва ботир инсонлар келажакда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди”, деб бежиз айтмаган.

Яқинда Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Чилонзор туманида бўлиб ўтган учрашувларда ёшларимиз томонидан билдирилган дадил фикр ва ташабbusлар мени жуда қувонтириди. Айниқса, куни кеча Ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган

кўзларида улкан азму шижаотни, билимга ташналик ва янгиликка интилишни кўриб, янада руҳландим ва улардан куч олдим.

Ибн Сино бобомиз айтган довюрак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим.

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фи-

доилик билан бирлаштира олсан, кўзлаган мэрраларга албатта этамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргалиқда барпо этамиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида, кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном беришни таклиф этаман.

(Давоми 2-бетда)

## Vayrat xaridini qildingizmi?

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ  
КУТЛУҒ БЎЛСИН!



## 2021 ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА “ЁШЛАРНИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АХОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ” ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Куни кечада Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома ўйллади:

**Қадрли халқ ноиблари!**

**Азиз юртдошлар!**

Барчангизга маълумки, кириб келаётган 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий санани сиз азизлар ва бутун халқимиз билан биргалиқда, “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган эзгу ғоя асосида кенг байрам қиласиз.

Бугун келгуси йил учун режа ва дастурларимизни аниқ белгилаб олар эканмиз, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳим ва устувор соҳаларни ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратамиз, албатта.

Таъкидлаш керакки, пандемия барчамига тиббиётнинг бирламчи бўғини, тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислоҳ қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди.

Хозирги вақтда дунёning бошқа минтақаларида кузатилаётган “пандемиянинг навбатдаги тўлқини” ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундумоқда.

Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг “Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин”, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда.

Шу боис, мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш – энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади.

Шу сабабли биз ислоҳотларимиз қўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шиҷоатли, ташабbuskor ёшларимизга таянамиз.

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак.

Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта мэрраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз ҳалқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва

кудратли кучга айланади.

Шу мақсадда, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг қўламли ислоҳотларни амалга оширамиз.

**Биринчидан**, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

**Иккинчидан**, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиш.

**Учинчидан**, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташабbuslarini rўёbga чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятта ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бундан минг йил олдин, “Доворак ва ботир инсонлар келажақда содир бўладиган қийинчиликлардан кўрқмайди”, деб бежиз айтмаган.

Яқинда Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Чилонзор туманида бўлиб ўтган учрашувларда ёшларимиз томонидан билдирилган дадил фикр ва ташабbuslar mени жуда қувонтириди. Айниқса, куни кечада ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган кўзларида улкан азму шиҷоатни, билимга ташналик ва янгиликка интилишни кўриб, янада руҳландим ва улардан куч олдим.

Ибн Сино бобомиз айтган доворак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим.

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайратшилоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсан, кўзлаган мэрраларга албатта этамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргалиқда барпо этамиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида, кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном бериши таклиф этаман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасида мамлакатимизнинг ташки сиёсатини амалга оширишдаги устувор вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди:

**Биринчидан**, Ўзбекистон олиб бораётган очиқ, прагматик ва амалий ташки сиёсатни инобатга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик

мақсадларимиздан келиб чиқкан ҳолда, Ташки сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилади.

**Иккинчидан**, ташки сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Мураккаб пандемия шароити биз бир-биримизга қанчалик боғлиқ ва керак эканимизни яна бир бор яққол намоён этди. Бу ижобий жараёнларни чукур ўрганиш ва янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё ҳалқаро институти ташкил этилди.

Келгуси йили Тошкентда минтақамизнинг Жанубий Осиё билан муносабатлariга бағишиланган юқори даражадаги ҳалқаро конференция ўтказилади.

Шулар қаторида Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” глобал анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

**Учинчидан**, асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа қатор давлатлар билан кўп қиррални ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтирамиз.

Ташки ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда юртимизнинг чет эллардаги элчилари мазкур давлатлар билан янги, янада самарали иш тизимини жорий этишлари зарур.

**Тўртинчидан**, биз қўшини Афғонистон заминида тинчлик ўрнатилишига қатъий ишонамиз ва бу эзгу йўлда амалий ёрдамни бундан кейин ҳам аямаймиз.

Аффон муаммосини ҳал этишга қаратилган глобал саъӣ-ҳаракатларга Тошкент Ҳалқаро конференцияси ҳам мустаҳкам пойdevor яратди, десак, муболаға бўлмайди.

Хозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-аффон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамларни ташладик. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамида барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга бекёс хизмат қиласиз.

**Бешинчидан**, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўй минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирамиз.

ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамлаб борамиз.

Келгуси йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида “Инсон ҳуқуqlари бўйича таълим” глобал форуми, Ёшлар ҳуқуqlariiga бағишиланган Бутунжоҳон ёшлар анжумани, Диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференцияларни ўтказамиз.

**Еттинчидан**, дунёнинг кўплаб мамлакатларидағи ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Ватандошлар” жамғармасини тузишни таклиф этаман.

**Саккизинчидан**, жамиятда миллатлараро тутувлик ва бағрикенглик мұхитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Барчангизга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Асамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль Ҳалқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланади. Шу боис, ушбу санани Ўзбекистонда “Ҳалқлар дўстлиги куни” деб белгилашни таклиф этаман.

**Тўққизинчидан**, минтақамида, бутун дунёда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани бизни жиддий ташвишга солади.

Кўшини давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргалиқда Оролденгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирамиз.

Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилаётгани Оролбўй худудларида амалга оширилаётганди. Улкан қурилиш ва ободончилик ишларни ҳалқимизни юксак мэрралар сари руҳлантироқда.

Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўй минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирамиз.

**Ҳар бир давлат органи ОАВ билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида оммавий ахборот воситалари ҳақида ҳам фикр билдири.

– Танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчи ва ҳаловатини бузажётгани ҳам бор гап, – деди давлатимиз раҳбари. – Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги – бу давр талаби. Бу Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг талаби. Ўтган 4 йил давомида жамиятда очиқлик ва ошкоралик, сўз эркинлиги мұхитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб бораяпмиз. Қийин бўляяпти, лекин ўрганаяпмиз. Адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишилари эскича қолипда ишлайтидан раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларнинг услугини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда.

Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз фаолияти давомида ОАВ билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурлиги таъкидланди.

# ISLOHOTLAR SAMARASI

Шавкат Мирзиёев:

«Бугун мен айтиб ўтган оилавий ажримлар, маънавият, маърифат, интернет бўйича муаммолар кўп. Ўзбекистон энди очилди, орқага йўлимиз йўк.

Яна бир марта таъкидламоқчиман, оммавий ахборот воситала-ри тўртинчи ҳокимиёт бўлиш нуқтаи назаридан кимгadir ёқмайди.

## QATAC'ON QURBONLARI XOTIRASI ABADIYLASHTIRILADI

Маҳалла ва оила-ни қўллаб-қувватлаш вазирлигига Қатағон курбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадий-лаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳининг иғилиши бўлиб ўтди.



Фармойиши ижросини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирда ташкилий-амалий тадбирларнинг ижроси, жойлардаги ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қатағон курбонлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари, уларнинг кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этиш каби йўналишлар бўйича масъулларнинг хисоботлари муҳокама этилди.

Шунингдек, ҳудудлардаги илмий-ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Кўп жилдлик “Қатағон курбонлари” хотира китобларини тайёрлаш, қатағон курбонлари ҳақида роман, қисса, драма, киносценарий, монография ва рисолаларни, шунингдек, тарихий факт ва ҳужжатлар асосида махсус тўплам яратиш, олий ўкув юртларидаги қатағон курбонлари хотираси музейларини намунавий ҳолатга келтириш бўйича вазифалар белгиланди.

## BOLALARGA BAVRAM SOVG'ALARI ULAASHILDI

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 87-сонли имконияти чекланган болалар учун махсус ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларнинг сифатли таълим олишини йўлга кўйиш, ихтисослаштирилган ёрдамчи таълим мұассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёндан уларнинг руҳий функциялари ва саломатлигини тизимли равишда кузатилишини ташкил этиш мақсадида илгор педагогик услублар амалиётга татбиқ этилмоқда. Натижада бу каби ёрдамчи таълим мұассасаларида таълим-тарбия сифати, педагогтарбиячиларнинг касбий маҳорати тобора ортиб бормоқда.

Қолаверса, мамлакатимизда “Меҳрурват ойлиги” доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ногирон-

лиги бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ҳолидан хабар олиш каби эзгу саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

– Бугун мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болалар учун тўсиқпардан ҳоли ва инклюзив мухитни яратиш орқали уларнинг тўлиқ ва сифатли таълим олишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Турғун Қирғизбоев. – Хусусан, янги қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам давлат томонидан ногиронлиги бўлган болаларнинг белуп умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта махсус ва профессионал таълим олиши кафолатланган. Албатта бундан кейин ҳам мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларни жамиятимизнинг барча жабхаларига қўшиш, улар ҳамма билан тенг бўлиши ва ўз ўринларини топиши учун шарт-шароитлар яратиш ишлари давом этирилади.

Тадбир сўнгига таълим муассасаси ўқувчиларига вазирлик томонидан янги йил байрами совғалари улашилди.

Аммо охириг бир йил ичидан журналистлар, блогерлар ва ёшларнинг ижтимоий тармоқларда чиқкан овозлари бизнинг ислоҳотларимиз ва қарорларимизга катта кўмак беряпти, бу ҳақиқат.

Ёқадими, ёқмайдими, уларни эшишига мажбурмиз. Тўғрисини эшишиб, хуласа чиқарамиз, нотўғрисини тўғри йўлга солиш — бурчимиз, вазифамиз».

## YANGI YILDA YANGI BINO

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги “Миробод” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бинонинг очилишига бағишилаб ўтказилган тадбирда Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Ботир Парниев иштирок этиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтининг жамиятдаги нуғузини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фолиятини янада тақомиллаштириш, унинг вазифа ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, маҳаллани ҳалқнинг чинакам суюнчи ва маслақдошига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этиди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон курбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

асосан, мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида давлат-хусусий шериклик асосида фуқаролар йиғинларининг намунавий биноларини қуриш белгиланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлашма



лаш мақсадида буғунги кунда юртимиз бўйлаб янги маҳалла биноларини қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда маҳалла ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, буғунгача Миробод туманида жойлашган “Салар”, “Афросиёб”, “Мовароуннахр”, “Биродарлик”, “Ойбек”, “Билимдон”, “Банокатий”, “Қорасув” ва “Сарикўл” маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз биноларига эга бўлди. “Миробод” маҳалласи янги биносининг фойдаланишга топширилиши эса ана шу эзгу ишларнинг давомидир.

Айтиш лозимки, янги бинода соҳа ходимлари ва маҳалла аҳли учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса фуқароларни қабул қилиш, уларга қисқа муддатда сифатли хизмат кўрсатиш, туман ташкилотлари билан боғланиш ва кутиш хоналари аҳоли мурожаатлари билан ишлашда маҳалла ходимларига бир қатор қулайликлар яратади. Шу билан бирга, кутубхона, кексаларнинг ҳордик чиқаришлари, нуронийларга пенсия тарқатиш ҳамда коммунал тўловларни тўлаш учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган.

## ODAM SAVDOSIGA QARSHI KURASHISH

Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходимлари томонидан Андижон вилоятида одам савдосига қарши курашиш ва чет элда узоқ вақт бўлиб қайтган фуқаролар билан ишлаш бўйича олиб борилаётган ишлар атрофлича ўрганилди.

Жумладан, вилоят Миробод ва оиласи қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Балиқчи, Бўйтон ва Шаҳриҳон тумани бўлимлари ходимлари ўтасида ўтказилган учрашувларда ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Шунингдек, фуқароларнинг оилавий даромадларини янада ошириш орқали келгусида уларни чет давлатга ишлаш учун кетишини олдини олиш мақсадида вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларида касб-хунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди.

Хусусан, Шаҳриҳон тумани “Кум” маҳалласида жойлашган “Шаҳриҳон” касб-хунарга ўқитиш маркази”да тикувчилик, қандолатчилик, чорвачилик, асаларчилик, сартарошлик, электромонтажчи каби бир қанча мутаҳассисликлар бўйича ўқишилар ташкил этилиб, ҳозирда бу ерда Россия Федорацияси Москва шаҳридаги “МК Ресурс” корхонаси билан тузилган ўзаро битимга биноан туман маҳаллаларида “Темир дафтари”га киритилган 291 нафар фуқаро касбга ўқитилмоқда.

Шунингдек, Балиқчи тумани “Катта булоқ” маҳалласи 63-йуда яшовчи фуқаро А.Абдураззоков хонадонида тикувчилик цехи ташкил этилиб, маҳалладаги 10 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.

# YOZUVCHILAR ENDI MAKTABLARDA

**Инсон ҳаётда ўзини бахти хис этиши учун, албатта, атрофида меҳрибон, севимли инсонлар бўлишидан ташқари, ўз қизиқиши билан амалга оширадиган касб-хунарга ҳам эга бўлиши зарур. Баъзи ёшлар кўп йиллар орзу қилиб юрган мутахассислик учун олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш дамлари яқинлашгандан,” мен келажакда шу соҳанинг мутахассиси бўла оламанми, бунга менинг билимим ва иқтидорим етадими?” – деб ўлланиб қоладилар.**

Асосийси, ёшлар тўғри йўлни ташлаш ҳаётлари олдида жуда катта масъулиятли вазифа эканлигини яхши билишлари ва фақатгина қизиқиши юкори бўлган касб сирларини эгаллашга интилишлари зарур. Касблар бисёр. Уларнинг ўз йўналиши бўйича турлари кўп. Мактабда ўқиб юрган кезларимда тил ва адабиёт фани ўқитувчимиз Иззатулла Фазнаев “Ёш қаламкашлар” тўгарагини ташкил этганди. Кичкина синфхона адабиётга ихлосманд ўқувчилар билан тўлиб кетарди. Қиш фаслида кунлар қисқа бўлганилиги боис дарсдан сўнг тўгаракка қолиб, уйга қоронгуда кириб бораардик. Ҳатто бир куни онам “шунчалик ҳам кеч келасанми, энди мактабга бораман деб тургандим, дугоналаринг аллақачон уйига келиб қўйди. Хавотирдан нима бўлсан бўлаёздим”, – деб койиб бергандилар. Ўша куни ўқитувчимиз ҳам кеч бўлиб кетганлигини пайқамабдилар. Устозимиз Иззатулла Фазнаев биз каби қишлоқ болаларида “ноёб” қобилиятларни илғаб, иқтидоримизни қўллаб-куватлаганлар, ижод намуналаримизни тинглаб, хато ва камчиликларимизни тинглаб, шундай ташвишни берадилар.

“оғритмасдан” тушунтириб тўғри йўл кўрсатардилар. Синфдошларимизнинг шеър, мақола, қатралари тез-тез газета, журнallарда чоп этилар, бу “вокеа” бутун мактабимизда байрамга айланиб кетар эди. Ҳатто китобларини нашр этишда ҳам жонбозлик кўрсатгандари ёдимда. Ўша пайтларда устозимиз ҳали йиллар ўтиб, қишлоғимиздан катта кутубхона ташкил этиб, таникли журналист, профессор, етук адабиётшунослар бўлиб қишлоқ болаларига сабоқ беришларингизга ишонаман дегандилар. Ҳозир эсласам, “Ёш қаламкаш” тўгарагида иштирок этган тенгдошларимизнинг барчаси нуфузли олий ўқув юртларини тамомлаб республика, вилоят газета, журнallари, МТРКларда фаолият олиб боришишоқда.

Ёдингизда бўлса, 2020 йилнинг 30 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тако-

миллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таъкид этгандаридек: “Биз бугун мактабларимизда фарзандларимизга таълим ва тарбия бериш билан бир қаторда уларга маърифат ва маънавиятни ҳам чуқур ўргатмоғимиз зарур. Бу борада жойларда яшаб ижод қилаётган ҳурматли шоир ва ёзувчиларимизни кенг жалб қилишимиз, уларнинг ижод ва истеъодларидан унумли фойдаланишимиз лозим”, деган эдилар. Қувонарлиси шундаки, ҳар бир мактабда биттадан штат очилиши, уларга ижодкор ёзувчилар ишга олиниши ва маош тўланиши таъкидланганлиги ижодкорлар ва ўқувчи ёшлар ўртасидаги ижодий қўприкнинг кўп йиллик алоқалари бошланаётганидан далолат.

Берилган ваъда ҳужжатлаштирилди.

**Адабиёт яшаса, миллат яшайди**

(Чўлпон)



**Устозимиз Иззатулла Фазнаев биз каби қишлоқ болаларида “ноёб” қобилиятларни илғаб, иқтидоримизни қўллаб-куватлаганлар, ижод намуналаримизни тинглаб, хато ва камчиликларимизни “оғритмасдан” тушунтириб тўғри йўл кўрсатардилар**

миллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таъкид этгандаридек: “Биз бугун мактабларимизда фарзандларимизга таълим ва тарбия бериш билан бир қаторда уларга маърифат ва маънавиятни ҳам чуқур ўргатмоғимиз зарур. Бу борада жойларда яшаб ижод қилаётган ҳурматли шоир ва ёзувчиларимизни кенг жалб қилишимиз, уларнинг ижод ва истеъодларидан унумли фойдаланишимиз лозим”, деган эдилар. Қувонарлиси шундаки, ҳар бир мактабда биттадан штат очилиши, уларга ижодкор ёзувчилар ишга олиниши ва маош тўланиши таъкидланганлиги ижодкорлар ва ўқувчи ёшлар ўртасидаги ижодий қўприкнинг кўп йиллик алоқалари бошланаётганидан далолат.

</p

# Yangi yilni kim qanday kutib oladi?

Янги  
йилни бу-  
тун дунё халқлари  
үзгача шукух билан  
қаршилайды. Ушбу бай-  
рамнинг эътиборли жиҳати  
шундаки, у ҳар бир мамла-  
катда турличи нишонла-  
нади ва асрлар давомида  
яшаб келаётган урф-  
одат ва удумларга  
бойдир.

Масалан, шу куни Колумбия  
халқларида эски йилнинг рамзи сифати-  
да узун ёғоч оёқли қўғирчоқ-одамларни  
учратиш мумкин. Шотландлар «Хона-  
дон ўчогидаги олов ҳеч қачон ўчмасин,  
дастурхони эса тўкин бўлсин» деган  
ниятда мезбонникига кўмир бўлагини  
олиб боришиади.

Англияда 1752 йилда янги йил  
расмий байрам мақомини олган. 1843  
йилда эса ушбу сана муносабати билан  
ёру дўстларга табрик хати юбориш анъ-  
анаси пайдо бўлган. Шу куни Лондон  
халқларида катта сайил уюстирилиб,  
Беркли майдонига келган ҳар бир киши  
карнавал иштирокчисига айланиши  
мумкин.

Инглизлар янги йилдаги биринчи  
мехмон хонадон аъзоларига албатта  
омад келтиришига ишонишади, шу  
боис кўпинча ёш, келишган ва соғлом  
йигитни кутишади. Малла, сариқ сочли  
эрраклар, шунингдек, аёллар иложи  
борича уйга қўйилмайди. Мамлакат-  
нинг баъзи жойларида сочнинг ран-  
гига эътибор қилишмайди. Одамлар  
мехмондорчиликка нон, пирог, туз  
ва бир бўлак кўмир олиб бориша-  
ди. Чунки нон ва пирог мўл-кўллик,  
кўмир иссиқлик, туз эса бойлик рамзи  
ҳисобланади.



Лондондаги машҳур «Big Ben» соати  
24 га бонг урганда мушакбозлик бош-  
ланади ва ҳамма байрам мадҳиясини  
куйлади. Қадимий таомилга кўра шу  
онларда эски йилни кузатиш ва Янги  
йилни кутиб олиш учун уй эшиклари  
очиб қўйилади.

Италияда янги йил Capodanno деб  
номланади. Асосий тантаналар 6 ян-  
варь куни Римдаги Пъяца дель Пополо  
майдонида бўлиб ўтади. Ҳақиқий ита-  
лияликлар Янги йилгача қарзларидан  
кутушиллари, синик идиш, эски кийим  
ва мебелларни деразадан кўчага



улоқтиришлари керак. Вақт ўтган сари  
ахолининг катта қисми бу одатдан  
воз кечеётган бўлса-да, байрам  
арафасида Рим кўчаларида  
сайр қилиш бариб роҳи ҳавфли.  
Шунга ўҳашаш одат Непалда  
ҳам бор, ушбу мамлакатда ой  
тўлишган тунда катта гулхан  
ёқилади ва унга кераксиз  
буюмлар ташланади.

Одатда италияликлар  
Янги йил арафасида қизил  
ранги кийим ва жиҳозларни  
харид қилишади. Шу боис  
дўконларнинг пештахталари  
қирмизи рангдаги буюмлар  
билан тўлдирилади. Байрам  
дастурхонида албатта ёнғоқ, узум  
ва ясмиқ донидан тайёрланган таом  
бўлиши шарт. Чунки Италияда ёнғоқ –  
узоқ умр, узум – тинчлик-хотиржамлик,  
ясмиқ дони – соглиқ рамзи саналади.  
Мамлакатнинг айрим ҳудудларида  
янги йил кириб келишидан олдин бой-  
бадавлат бўлиш ниятида 12 дона узум



истеъмол қилинади. Шунингдек, салбий  
оқибатлардан кутилиш учун идиш-  
товоқлар синдирилади. Фарзанд кўриш  
орзусидаги эр-хотинлар биргалиқда  
анор ейишади, турмушлари фаровон  
бўлишини хоҳлаганлар эса 1 январь  
куни чўнтақларини тўлдириб кўчага  
чиқишиади.

Италияда Қорбобони Баббо Натале  
деб аташади ва у америкаликларнинг  
Санта Клаусига жудаям ўхшайди.  
Бироқ байрам совғаларини болаларга  
у эмас, балки олийжаноб Фея Бефана  
улашади. Афсоналарга кўра у ярим  
тунда учиб келиб, йил бўйи ўзининг  
яхши хуљи ва одоби билан бошқаларга  
ўрнак бўлганларга турли ширинликлар,  
тўполончиларга эса кўмир бўлагини  
қолдириб кетади.

Янги йилнинг эртасига кўчада  
кекса ёки буқри одамни учратиш, бун-  
дан ташқари, эрта тонгда, яъни қуёш  
чиққунга қадар уйга булоқдан сув олиб  
келиш хайрлидир.

Ҳиндистонда янги йил сифатида  
нишонланадиган нақ саккизта сана  
бор. Масалан, ҳиндларнинг Гуди Пад-  
ва кунида ним-нимада дарахтининг жуда  
аччиқ ва ёқимсиз баргларидан татиб  
кўриш керак. Уларнинг иримига кўра,  
бу инсонни турли дард ва балолардан  
асрайди, ва ҳайратланарлариси – ширин  
ҳаёт кечиришига замин яратади.



Ҳаммамизга машҳур ҳазил куни – 1  
апрелда Одесса (Украина)да янги йил  
нишонланади. Уларнинг фикрича, 1  
апрель – янги кулгу йилининг бошли-  
нишидир, ана шунаقا.

Апрель ойининг 13-санасида Янги  
йил Шри-Ланка ва Непалга етиб келади  
ва байрам табиат энг чиройли тус олган  
вақтда нишонланади.

Жазирамадан силласи қуриган  
Лаосга янги йил байрами 14 апрелда –  
аҳоли ёмғир мавсумини кутаётган  
паллада ташриф буюради.

Бирмада эса аксинча, тропик  
ёғинлардан сўнг – апрель ойининг  
12-17-саналари оралиғида янги йил ни-  
шонланади. Байрамнинг аниқ санасини  
ҳар йили маданият вазирлиги томони-  
дан белгиланиб, янги йил байрами уч  
кун нишонланади.

1940 йилда Таиланд ҳукумати янги  
йил байрамини 1 январда нишонлаш  
хақида қарор чиқарган бўлса-да, Та-  
иланднинг бош байрами – апрель  
оининг иккинчи ўн кунлигига нишон-  
ланади.

Ана энди янги йил энг иссиқ фасл  
бўлмиш - ёз ойига ташриф буюради.  
Мевалар фарқ пишган паллада Майя  
қабилалари 16 июль куни байрамни ку-  
тиб оладилар. Жибути ва Нигерияга эса  
бу байрам август ойида етиб келади.

1 сентябр – йўқ бу Суриянинг  
мустақиллик байрами эмас, ўкув йили  
ҳам эмас, шунчаки олтин куз фаслида  
мамлакатга янги йил кириб келади. Бу  
байрам куз ойларида яхудийларнинг  
оиласида ҳам нишонланади.

10 кунлик фарқ билан айнан 11  
сентябр куни нишонланувчи янги йил  
- Эфиопия (Ҳабашистон)да ёмғир мав-  
суми якунланганидан дарак беради.

Мана октябр ойига ҳам етиб кел-  
дик. Ҳўш бу оининг 7 санасида Гамбия  
байрам дастурхонини безайди. Улар  
қаторида Индонезияда ҳам байрам  
нафаси юрт кезади. Бу давлатларда  
байрам инсонларнинг янги кийим  
кийишлари ва ўтган йилдаги дилхира-  
ликлар учун бир-бирларидан кечирим  
сўрашлари билан бошланади. Ҳа ав-  
валом бор кечирим сўрайдиган ишни  
қилиш керак эмас, қўлингдан келса  
яхшилик қил, келмаса ёмонликка қўл  
урма дейишади-ку, бизнинг бобо ва  
момоларимиз.

Ҳўш, азизлар - 18 ноябрда янги йил  
Яман чегарасини кесиб ўтади. Ноябрь  
оий ўрталарида Океаниядаги ороллар-  
да ва Гавай оролларида ҳам янги йил  
байрам қилинади.

31 октябрдан 1 ноябряга ўтар кечаси  
ҳозир, айниқса ёшларимиз ўртасида  
«Хеллоуин» номи билан машҳур. Бироқ  
бу айнан шу тунда кельт тилларига ман-  
суб халқлар яшовчи давлатлар (Шот-  
ландия, Ирландия, Мэн ороли) да кельт  
янги йили – «Сайману» нишонланади.

Янги йилни Австралияликлар одат-



дагидек 1 январь  
куни нишонлайди.  
Аммо қизиқ томони  
бу пайтда уларда ёз  
фасли бўлади ва ҳаво  
шунағанги иссиқ бўлганидан Қорбобо  
ва Қорқиз совғаларни чўмилиш кийи-  
мида тарқатишиади.

Эскимосларда эса янги йил энг  
оригинал кунда қарши олинади. Яъни  
уларда қачон биринчи қор ёғса, ўша  
кун – янги йил!

Қадимги Мисрда эса янги йил ёз  
фаслида, Нил дарёси тошган вақтда  
нишонланган. Олимпиада ўйинлари  
ватани ҳисобланмиш Қадимги Юнони-  
стонда янги йил 22 июнь кунида нишон-  
ланган экан. Бу санани улар йилнинг  
энг узун куни бўлганлиги учун янги йил  
сифатида қабул қилишган.



Венгрияде янги йил куни пулга  
ювенишар экан. Уларнинг фикрича,  
шундай қилишса уларга йил бўйи  
муҳтоҷлик яқин йўламас эмиш. Хи-  
тойда янги йил базми мушакбозликсиз  
ўтмайди. Янги йил кечасида турли хил  
шаклдаги мушаклар Хитой осмонини  
безайди. Хитойда яна бир ажойиб одат



бор – янги йилнинг биринчи кунда  
сўқиниш ва ўзаро жанжаллашиш қатъий  
таъқиқланган. Янги йил кирган куни  
Японияда 108 марта қўнғироқ чалина-  
ди. Кун чиқар юрт вакиллари ишони-  
шадики, ҳар бир қўнғироқ чалингандан  
улардаги салбий хислатлар биттадан  
камаяди. Ҳусусан, очкўзлик, баҳиллик,  
ёвузлик, калтабинлик, ялқовлик шулар  
жумласидандир. Шунингдек, Японлар  
янги йил куни эшикларини учта да-  
раҳт барглари билан  
безайдилар. Буни  
ўзига хос маъноси  
бор. Яъни қарағай –  
узоқ умр рамзи, бам-  
бук – садоқат рамзи,  
олхўри – ҳаётни се-  
виш рамзи.

Янги йилнинг  
қайси бирини қачон  
ва қандай нишон-  
лашингиз ўзингизга  
ҳавола. Асосийси –  
бу кун унутилмас ва  
ҳақиқий байрам бўлсин!

Интернет материаллари асосида  
Нигора тайёрлади.





**«Туронбанк» АТБ жамоаси  
жонажон халқимизни кириб келаётган**

**яни 2021 йил**

**билин самими муборакбод этади.**

**Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган**

**барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.**

**Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли  
кунларимиз бардавом бўлсин!**

**Барча турдаги валюталарни тез ва қурай айирбошланг!**



1220  
99895 144-60-00

[www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)



turonbank



turonbankuz



turonbank

# 2021 “O‘ZQURILISH MATERIALLARI”

акциядорлик жамияти жамоаси

*Яқинлашиб келаётган янги йил барчан-  
гизга туборак бўлсин! Оилаларимиз-  
да тинчлик хотиржамлик, дастур-  
хонларимиздан файз барака арима-  
син. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб  
чиқариш ва янги иш ўринлари яратиша  
тадбиркорларимизга яна-  
да куч-қувват тилай-  
миз. Доим юзингиздан  
кулгу, лабингиздан  
табассум аримасин.  
Юртимиз тинч, хо-  
надонларимиз обод  
бўлсин!*

**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!**

# ERKAK KISHI DOIM NAQMI?

“Эркак киши доим ҳақ. Эх, аёл бўлиш нақадар қийин-а. Нима қилишга ҳам ҳайронсиз. Ён босай, десангиз, ҳақлигиниз кундек равшан. Фикр билдиришга ҳаракат қилсангиз, яна тортишиб қолишингиз мумкин”.

Яқинда ижтимоий тармоқларда юқоридаги иddaoga кўзим тушиб қолди. Бу менга бир қизиқ воқеани ёдга солди. Конимех туманига қарашли кончилар шаҳараси Зафарободда юзларидан доим нур ёғилиб турдиган, гап-сўзлари мулойим, юриш-туришлари, кийинишлари ўзбекона, тутумлари шарқона асли гиждувонлик бўлган Моҳира опа исмли бир фариштали аёл яшайди. Ҳаммага бирдек меҳрибон, сабр-тоқатли бу аёлни зафарободликлар хурмат билан тилга олишади. У киши узоқ йиллар болалар боғчасида катта ҳамшира бўлиб ишлаб, юзлаб она-болалар қалбida меҳр қозонган. Қолаверса, кўплаб келинларни тўғри йўлга солиб, қизларга чиройли насиҳатлар қилиб сабрга ўргатганлар. Ўзимнинг ҳам отонам узокда, оиласада нотинчлик юз бериб дилим хуфтон бўлганда бош уриб борадиган хилқатим Моҳира опамнинг иссик бағри бўлган. Эх-хе, бу Ҳазрати аёл неча йиллар дардларимни бардош билан тинглаб, қанча-қанча кўз ёшлини артиб, онамдек овутиб, сабрга ўргатганлар. Бирон марта “бўлди шунча чидаганингиз, ажрашиб кетинг”, демаганлар. Ҳамиша юрагимда бу жаннати аёлдан қарздорлигимни ҳис қилиб турман. Бироқ иш, рўзгор билан бўлиб, тез-тез бориб йўқлаб туролмайман. Аллоҳ умрини зиёда қилсин. Ҳозир Моҳира опам улуғ ёшда, фарзандлари, набиралари ардоғида. Мана ўша киши айтиб берган қизиқ воқеа:

“Бир куни дадаси кўчадан дарғазаб бўлиб келиб, арзимас бир иш учун менга заҳрини соча бошладилар. Мен ўзимни эшитмаганга олиб, ўрнимдан туриб кўрпача ёздим, олдиларига ширилник билан иссиқкина чой дамлаб кўйдим. Бу орада у кишининг ҳовури пасайиб, ўтириб чой ича бошладилар. Бу ҳолатни бир бурчақда кузатиб турган рус мактабда ўқийдиган набирам ошхонага ўтиб секингина: “Бувижон, бобом бақиргандарида нимага жим ўтирасиз? Ахир сиз виноват эмассизку!”, – деди лабларини чўччайтириб норози оҳангда. Мен уни бошини силаб, тушунтиришга ҳаракат қилдим:

– Жон болам, бобонг жаҳл отига миниб бу ёқда бақирсалар, “миноват эмасман”, деб мен бу ёқдан бақирсал, нима бўлади, биласанми, учинчи жаҳон уруши бўлади. Бобонги жаҳли чиққанда жим ўтирганим учун қирқ йилдан бўён тинч-тотув юшаб келаяпмиз. Оиласада “миноват”, “не миноват”, деган гап бўлмайди. Аёл киши ҳар доим бир поғона пастда бўлиб, эрига итоат қилиши керак. Шунда эркак кишининг ўз аёлига меҳри зиёда бўлади, хонадонда эса доим тинчлик, хотиржамлик бўлади. Фарзандлар ўйнаб-кулиб ўсишади”.

Ҳар сафар опамизнинг ушбу ҳикояси ёдимга тушса, беихтиёр юрагим ёришиб кетади. Опамизнинг русча “виноват” сўзини ўзининг сўзлаш оҳангига мослаштириб “миноват” шаклида чўзибгина талаффуз қилганини эслаб завқланаман. Ўн йиллар олдин бўлиб ўтган бу сухбатни мен ҳам ўз ўрнида кўп ёш келинларга ибрат сифатида айтиб берганман. Ўзимнинг ҳам ҳаётимда шунга ўхшаш воқеалар кўп бўлган. Бир умр оиласавий ҳаётда муросам-мадора қилиб юшадим. Тумуш ўртоғим ўзига етгунча қайсар, айтганидан қайтмайдиган инсон. Бирон бир масалада у киши



“Дўстим,  
хотинимни ҳеч  
йўлга соломаяпман,  
– дебди бечора. – Аҳвол  
шу даражага бориб етдики,  
у овқатланган идишимни  
ўзим ювиб қўйишимни талаб  
қилиб жанжал кўтаряпти.  
Менга худди ёш бола-  
дек зуғум ўтказди.”

билан тортишиш бе-  
фойда, ноҳақлигини  
билиб турса ҳам ба-  
рибир тан олгиси кел-  
майди. Шунинг учун кўп  
ҳолатларда индамай,  
нима десалар ҳам гапини  
маъқуллаб қўявераман. Та-  
биатан кузатувчан болаларим  
бир куни астойдил мени саволга  
тутиши: “Ая, ўзингиз ўқимишли аёлсиз,  
бизга ҳақ-хуқуқимизни билишимизни  
уқтирасиз. Жамиятда фаолсиз, ишҳо-  
нада ҳакингизни ҳеч кимга бермайсиз.  
Лекин уйда бошқачасиз: дадам нотўғи  
гапирса ҳам тўғри, деб турасиз. Баъзи  
пайтлар сизни тушунмай қоламиз. Ни-  
мага бунақа қиласиз?” Болаларнинг га-  
